

*Исакова Гузалхон Нейматовна,
Филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат стоматология институти
Тошкент, Ўзбекистон*

ҚАНОТЛИ СЎЗЛАРНИНГ ЭКСПЛИЦИТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Бадиий матнда қанотли сўзларнинг қўлланилишига хос хусусиятларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги мақолада латин ва француз тилларидаги қанотли сўзларнинг эксплицит тарзда матнда берилиши борасида фикр юритилади. Уларнинг мулоҳазаларни асослаш, тасдиқлаш, фикрни образли тарзда етказиш каби функциялари таҳлиллар асосида очиқ берилди.

Калит сўзлар: қанотли сўз, цитата, эксплицит, аниқ, ноаниқ, муаллиф, манба, функция.

Аннотация. Выявление особенностей использования крылатых слов в художественном тексте имеет важное значение. В следующей статье обсуждается эксплицитное представление крылатых слов на латинском и французском языках в тексте. На основе анализа раскрываются такие функции, как обоснование, подтверждение мнений и образная передача идеи.

Ключевые слова: крылатое слово, цитата, эксплицит, точный, неточный, автор, источник, функция.

Annotation. Revealing the features of the use of winged words in a literary text is important. The next article discusses the use of winged words in Latin and French in the text in the explicit. Based on the analysis, such functions as justification, confirmation of opinions and the figurative transmission of ideas are revealed.

Key words: winged word, citation, explicit, definite, indefinite, author, source, function.

Кириш. Фразеологияда қанотли сўзларни контекстда узвал беришнинг икки йўли кўрсатилган. В.Н.Вакуров фразеологик бирлик ва қанотли сўзларнинг функционал хусусиятларини таҳлил қилар экан *очиқ* ва *яширин* цитата шаклида қўлланади, деган хулосага келади [1, 70]. Муаллиф *очиқ* цитата деганда қанотли сўзларнинг семантик ва структур жиҳатдан ўзгаришсиз, манбаси ва муаллифи аниқ кўрсатилган цитаталарни тушунади. *Яширин* цитаталар бўлса матнга манбаси ёки муаллифи кўрсатилмай, семантик ва структур жиҳатдан матнга қоришиб кетган цитаталарни тушунади.

О.В.Беркова публицистик матнлардаги қанотли сўзларнинг цитатабоплик хусусиятларини ўрганар экан, *эксплицит* ва *имплицит* терминларини киритади. Эксплицит цитата деганда у “матнда цитата эканлиги равшан кўриниб туради, яъни муаллиф у ёки бу усул билан ушбу парчанинг цитаталиги ҳақида белги беради”ган цитаталарни тушунади. Имплицит цитаталарни эса, “ушбу

бирликнинг бошқа контекстдан олинганлиги ҳақида ҳеч қандай белги кўрсатилмай, парча ажратилиб ёки бошқа контекстдан олинганлиги айтиб ўтиб кетилмаверади”, деб тушунтиради. Шунингдек, муаллифнинг фикрича, эксплицит ва имплицит цитаталарни аниқ ва ноаниқ цитаталар дейиш ҳам мумкин [2, 54-59].

О.А.Беркова томонидан илгари сурилган классификациясини мантиқан аниқроқ деб ҳисоблаймиз, чунки ушбу классификация бадиий матнда қанотли сўзларнинг қўлланилишига хос белгиланган хусусиятларни аниқлаш имконини тўлиқроқ беради.

Асосий қисм. Қуйида лотин ва француз тилларидаги қанотли сўзларни ушбу классификация бўйича эксплицит тарзда матнда берилишини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Аввало, эксплицит терминига изоҳ бериб ўтиш ўринли. Эксплицит лотин тилидан (лот.explicitus) ўзлашган бўлиб, “ёйилган, очиқ, равшан” деган маъноларни англатади [3].

Эксплицит цитаталар ҳам ўз навбатида аниқ ёки ноаниқ кўринишда бўлиши мумкин. Адиблар ўз асарларида қанотли сўзлардан цитаталар олар экан, улар эксплицит аниқ цитатанинг турли усулларида фойдаланадилар. Буларнинг ичида энг кўп кузатиладиган усуллардан бири цитатанинг муаллифи кўрсатилган ҳолда беришдир.

Масалан: *Il fouettait énergiquement les pauvres bêtes, aussi intrépide que César dans la tempête, lorsqu’il disait à son pilote: Tu portes César et sa fortune!* (Merimée, La double Méprise).

Ушбу гапда қўлланган “Йўлинг очиқ, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ” маъносини англатувчи *Tu portes César et sa fortune!*, яъни *Сен Цезар ва унинг тақдирини олиб кетясан* ибораси Цезарнинг гапидан олинган цитата эканлиги муаллиф томонидан аниқ, ажратиб кўрсатиб ўтилган.

Баъзи ўринларда цитатанинг муаллифи эмас, балки манбаси кўрсатилган ҳолда берилиши мумкин.

Масалан: *Ensuite, nous échangeâmes, par-dessus les fossés, des injures bien plaisantes, à la façon d’Ajax et d’Hector le Troyen* (Rolland).

Ушбу контекстда қўлланган “ўринсиз ҳақорат, айблов” маъносини англатувчи *Аякс ва Гектор* ибораси манбасига боғлиқ ҳолда, яъни Троя жанги қаҳрамонлари сифатида қўлланган.

Цитата олишнинг эксплицит усулида ҳар доим ҳам муаллифи ёки манбаси кўрсатилмавермайди, балки матн ичида унинг ўзганинг фикри эканлигига урғу бериб ёки ажратилган ҳолда кўрсатиш ҳолатлари ҳам фаол кўзга ташланади.

Масалан: *L’arreter trop vite, c’était “tuer la poule aux oeufs d’or”. Oú était l’inconvénient d’attendre? Javert était bien sûr qu’il n’échapperait pas* (V.Hugo, Les Misérables).

Кўринадикки, келтирилган парчада қўлланган “фойданинг манбаини куритмоқ” маъносини англатадиган *Tuer la poule aux oeufs d’or*, яъни *Олтин тухум қўядиган товуқни ўлдирмоқ* иборасининг манбаси ҳақида ҳеч қандай

маълумот йўқ, фақат унинг цитата эканига ишора қилувчи белги иборанинг кўштирноқда ажратиб кўрсатилишидир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, эксплицит цитаталар ҳар доим ҳам аниқ бўлавермайди. Уларда кўпинча лексик ёки грамматик ўзгаришлар ҳам кузатилади. Бу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу каби ноаниқ эксплицит цитаталар деганда биз қанотли сўзларнинг окказионал ўзгаришларини эмас, балки нутқ вариантлиги доирасида унинг таркибидаги узул ўзгаришларни тушунамиз.

Масалан: *Même, par forfanterie, certains trouvaient moyen de se glisser dehors et d'aller boire une pinte dans une auberge proche avec quelqu'un de ceux au nez de qui la porte du paradis était fermée, voire avec un des anges postés pour garder (car il ne prenaient pas leur faction au sérieux)* (Rolland, Oeuvres Majeures).

Ушбу парчада қўлланган *fermer la porte du paradis*, яъни *жаннат эшигини ёнмоқ* ибораси грамматик ўзгаришга юз тутган. Иборадаги феълнинг инфинив шакли узоқ ўтган замон шаклига айлантирилган ҳолатда қўлланган.

Қанотли ибораларни эксплицит цитата тарзида матнга киритишнинг ўзига хос хусусиятини ушбу бирликлар бажараётган турли стилистик функциялардан ҳам англаш мумкин. Матнда эксплицит цитата тарзида қўлланган қанотли иборалар муаллифларга ўз фикрини асослаш, тасдиқлаш ёки мулоҳазалаш учун ушбу иборанинг манбаси ёки муаллифининг нуфузига суянишга ҳам имкон беради.

Масалан: *Carpe diem! Disait Salvayre. Petit Paul, Petit Paul, apprend la leçon du bon Horace* (Vaillant-Couturier).

Ушбу контекстда қўлланган *Carpe diem*, яъни *Вақтдан фойдаланиб қол* ибораси образли тарзда маъно ифодаланиши билан бир қаторда ибора Горацийнинг машҳур сабоғи сифатида намоён қилинмоқда.

Ёки: *Je retourne à ma cure: on ne me verra pas confondu parmi la foule des convives, et j'aime mieux comme César être le premier au village que le seconde dans Rome* (Musset).

Контекстда қўлланган *Il est mieux d'être le premier dans le village que le seconde dans la ville*, яъни *Шаҳарда иккинчи бўлгандан кўра қишлоқда биринчи бўлган афзал* ибораси ёрдамида қаҳрамон ўз фикрини асослаган ва фикрнинг изчил эканини исботлашда буюк тарихий шахс, Цезар нуфузига таянаётганлиги англанади.

Шунингдек, муаллифлар қанотли сўзларни эксплицит цитата тарзида матнга киритиш орқали номинатив функция, яъни характер, ҳолат, кўриниш ёки муносабатларни белгилаш учун фойдаланилади. Қанотли иборалардан англанаётган маълумот лўнда шаклда, қаҳрамонларга ёки бирор ҳолатга катта ҳажмли тасниф бера олиш имконини яратади.

Масалан: *J'imagine que quand Dieu t'eût rendu tes richesses et ta santé, ces éloquents personnages n'osèrent pas se présenter devant toi: aussis les amis de Job ont passé en proverbe* (Voltaire).

Бу ўринда муаллиф муқаддас матнларга ишора қилувчи *Les amis de Job*, яъни *Айюбнинг дўстлари* иборасини қўллаб, қаҳрамоннинг атрофидаги “сохта ва ёлгон дўстлар”га урғу бермоқда.

Кўпинча муаллифлар эксплицит цитаталарнинг мураккаб комбинациясидан фойдаланишади. Унда қанотли ибора муаллифнинг биргина мулоҳазасини эмас, балки бир нечта функция бажаради ва композицион, матндаги ушбу парчанинг маъновий ядроси ҳисобланади.

Масалан: *Lorsque le vieux Bezzonio (le pape Clément XIII) reçoit l'avis du cabinet espagnol qui lui annonçait le bannissement de l'ordre comme un fait accompli, il fondit en larmes tant ce coup était inattendu pour lui. Il avait pour le roi Charles III une tendresse toute paternelle; il se croyait assuré de son amitié. Lorsqu'elle lui manqua tout a coup, il se sentit défaillir. “Et toi, aussi, mon fils”, lui écrivait-il, en répétant le mot de César frappé à mort par Brutus (Lanerey).*

Парчада қўлланган яқин кишиси ёки дўстларининг қилган хиёнатини англатадиган *Et toi, aussi, Brutus (mon fils)*, яъни *Сен ҳамми, Брут?* Цезарга мансуб ибора ушбу парчанинг маъновий ядроси ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, контекстга у ёки бу усуллар билан киритилган ушбу қанотли сўзларнинг асарлардаги функцияси кўпинча комик эффект яратиш ҳисобланади. Кузатишлар кўрсатадики, комик эффект яратишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, буларнинг орасида қанотли сўзларни қўллаш асосида бундай эффектни яратиш фаол қўлланади. Бундай мақсадни амалга ошириш учун муаллифлар кўпинча эксплицит цитаталардан фойдаланишган. Бунда контекст маъносига акс маъно берувчи қанотли сўз матнга киритилган ҳолатларни кўриш мумкин.

Масалан: *Je ne suis pas heureusement comme Tite, ce fainéant Romain, qui geignait toujours qu'il avait perdu son temps. Je ne perdis rien. Je suis content de ma journée, je l'ai gagnée (Rolland).*

Ушбу контекстда куннинг беҳуда эмас, аксинча фойдали ўтганлигини образли тарзда ифодалаш учун муаллиф акс маъно берувчи Рим императори Титга тегишли *Amis, j'ai perdu ma journée (mon temps)*, яъни *Дўстларим, мен бир кунимни йўқотдим* иборасини қўллаш орқали эришган.

Хулоса. Бадиий матнда қанотли сўзларнинг қўлланилишига хос хусусиятлар серқирра ҳисобланади. Келтирилган мисоллар қанотли сўзларни эксплицит цитата тарзида матнга киритиш бадиий адабиётда фаол қўлланилишини исботлайди. Кузатишлар натижаси уларнинг муаллиф мулоҳазаларини асослаш, тасдиқлаш, фикрни образли тарзда етказиш каби функцияларни бажараётганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вакуров В.Н. Основы стилистики фразеологических единиц: (На материалах сов. фельетона) - Москва: Изд-во МГУ, 1983.

2. Беркова О.В. Крылатые слова и проблемы их лексикографирования. Дис. ... канд. Филол. Наук. –Ленинград, 1991.

3. Комлев Н.Г. Словарь иностранных слов. –Москва: ЭСКИМО, 2006.
4. Бабкин А.М. Русская фразеология, её развитие и источники. – Ленинград: Наука, 1970.
5. Шулежкова С. Г. Крылатые выражения русского языка, их источники и развитие. -Москва: Азбуковник, 2002.